
ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҒИ ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНДИ: ҚУВАСОЙНИНГ “ГУЛИСТОН” МАҲАЛЛАСИДАГИ ТАШЛАНДИҚ ҲАМОНАВИЙ СПОРТ МАЖМУАСИГА АЙЛАНДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Қувасой шаҳри, “Гулистон” маҳалласи ҳудудида қаровсиз қолиб кетган футбол майдони ўрнида реконструкциядан сўнг фойдаланишга топширилган ҳамонавий спорт мажмуасининг очилиш маросимида иштирок этди.

Президентимизнинг жорий йил 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятига ташрифлари давомида кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишда Давлат божхона қўмитаси маблағлари ҳисобидан жорий йил 1 июнь кунига қадар қаровсиз қолиб кетган ушбу футбол майдонини ҳамонавий талабларга мос равишда реконструкция қилиш бўйича топшириқ берилган эди.

Мазкур топшириқ асосида Давлат божхона қўмитаси маблағлари ҳисобидан 550 миллион сўм ажратилди ҳамда керакли қурилиш-монтаж ишлари ўз вақтида, тўлиқ якунига етказилди.

Ҳамонавий талабларга мос равишда реконструкция қилинган футбол майдонининг очилиш маросими 1 июнь – Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига тўғри келгани ҳам қувонарлидир.

Сўнгги даврда бешта муҳим ташаббус доирасида оммавий спортни ривожлантирилаётгани, “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил декабрдаги алоҳида қарорлари натижасида юртимизда футбол янги босқичга кўтарилди. Бунда ҳаваскор футболни ривожлантириш ўзига хос ўрин тутди.

Бугунги ҳамонавий талабларга мос равишда реконструкция қилинган футбол майдонида яратилган шароитлар шу ҳудудда яшайдиган аҳолининг спорт билан ҳамнафас бўлиб яшашларига имконият яратиб беради.

Янги ўйингоҳда 400 га яқин томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган ўриндиқлар, югуриш йўлакчалари, ҳамонавий кийиниш хоналари мавжуд бўлиб, тунги ёритиш тизими ҳам ўрнатилган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2021-06-01 16:57:38